

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ
АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.31/30.12.2019.Үн.25.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ
АКАДЕМИЯСИ**

МУМИНОВ МУЗАФФАР ЭРКИНОВИЧ

**ИШНИ СУДГА ҚАДАР ЮРИТИШДА ДАЛИЛЛАРНИ ПРОЦЕССУАЛ
РАСМИЙЛАШТИРИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**12.00.09 – Жиноят процесси. Криминалистика,
тезкор-кидирув ҳуқуқ ва суд экспертизаси**

**Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of the abstract of the dissertation of the doctor of philosophy (PhD)

Муминов Музаффар Эркинович

Ишни судга қадар юрителишда далилларни процессуал
расмийлаштиришни такомиллаштириш 3

Муминов Музаффар Эркинович

Совершенствование процессуального оформления
доказательств в досудебном производстве 25

Muminov Muzaffar Erkinovich

Improving the procedural design of evidence in pre-trial proceedings 47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 52

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ
АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.31/30.12.2019.Үн.25.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ
АКАДЕМИЯСИ**

МУМИНОВ МУЗАФФАР ЭРКИНОВИЧ

**ИШНИ СУДГА ҚАДАР ЮРИТИШДА ДАЛИЛЛАРНИ ПРОЦЕССУАЛ
РАСМИЙЛАШТИРИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**12.00.09 – Жиноят процесси. Криминалистика,
тезкор-кидирув ҳуқуқ ва суд экспертизаси**

**Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.1.PhD/Yu280 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (<https://akadmvd.uz/uz/ads/elon1911>) ва «Ziynet» Ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Кулматов Шароф Асадович
юридик фанлар доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Миразов Даврон Мирагзамович
юридик фанлар доктори, профессор

Муродов Бахтиёржон Баҳодирович
юридик фанлар доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги
ҳузуридаги Юристар малакасини ошириш
маркази


Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академияси ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.31/30.12.2019.Yu.25.02 рақамли илмий кенгашнинг 2021 йил 19 ноябрь куни соат 12:00 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100197, Тошкент ш., Интизор кўчаси, 68. Тел./факс: (+99871) 265-22-52; e-mail: info@akadmvd.uz).


Диссертация билан Ички ишлар вазирлиги Академияси Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (1137-рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100197, Тошкент ш., Интизор кўчаси, 68. Тел.: (+99871) 265-22-52).


Диссертация автореферати 2021 йил 5 ноябрь куни тарқатилди.

(2021 йил 5 ноябрдаги 5 рақамли реестр баённомаси).




А.С. Турсунов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
юриск фанлар доктори,
профессор


Дж.Х. Юлдашев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, юридик фанлар бўйича
фалсафа доктори, доцент


Р. Кабулов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси, юридик
фанлар доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёнинг кўплаб мамлакатлари қонунчилигида жиноят содир этганликда айбланаётган ҳар бир шахснинг иши судда қонуний тартибда, ошқора кўриб чиқилиб, унинг айби аниқланмагунча у айбдор ҳисобланмаслиги ҳақидаги талаб ўз ифодасини топган. Бу эса жиноят-процессуал қонун нормаларига қатъий амал қилган ҳолда далилларни тўплаш, текшириш, баҳолаш ва уларни белгиланган талаблар асосида процессуал расмийлаштириш орқали жиноятларни тез ва тўла очиш, жиноят содир этган ҳар бир шахсга адолатли жазо бериш ҳамда айби бўлмаган ҳеч бир шахс жавобгарликка тортилмаслиги ва ҳукм қилинмаслиги учун айбдорларни фош этиш, қонуннинг тўғри татбиқ этилишини таъминлашни тақозо этмоқда.

Жаҳонда одил судловни амалга ошириш бўйича замонавий ва самарали тизимни жорий этиш, халқаро стандартлар асосида суд-тергов фаолиятини йўлга қўйиш, халқаро ҳуқуқ нормаларини конституциявий принципларга мувофиқ мустаҳкамлаш, жиноят процессида далилларни тўплаш, текшириш ва баҳолаш бўйича расмийлаштирилиши лозим бўлган процессуал ҳужжатлар ҳамда уларнинг намуналарини шакллантириш, инновацион технологияларни кенг жорий этиш орқали электрон далилларни процессуал расмийлаштириш фаолиятини янада такомиллаштириш, далилларни расмийлаштиришга доир қонунчиликдаги бўшлиқларни бартараф этиш ҳамда жиноят иши бўйича исботланиши лозим бўлган ҳолатларни синчковлик билан, тўла ва холис текширилишини таъминловчи миллий қонун ҳужжатларида учрайдиган жиноят-процессуал муаммоларни тадқиқ этиш долзарб аҳамият касб этмоқда.

Республикамизда жиноят-процессуал муносабатларда қонун устуворлигини таъминлаш ҳамда тергов ва процессуал ҳаракатларни ўтказишда шахс ҳуқуқ ва эркинликларини чеклаш ёки бузиш амалиётига барҳам бериш¹ борасида кенг қамровли ислохотлар амалга оширилмоқда. Айниқса, сўнги (2017–2021) йилларда суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилган кенг қўламли ислохотлар натижасида далиллар мақбуллигига оид қонунчиликка зид равишда жавобгарликка тортилган жами 2956 (2017 йилда 263, 2018 йилда 867, 2019 йилда 859, 2020 йилда 781, 2021 йилнинг 1-чорагида 186) нафар² шахснинг судлар томонидан оқланганлиги ҳуқуқни қўллаш амалиётида далиллар мақбуллигини таъминлаш билан боғлиқ муаммолар мавжудлигини яққол тасдиқлайди. Келгусида бундай муаммоларнинг олдини олиш мақсадида одил судловнинг сифат ҳамда самарадорлигини янада ошириш, айниқса жиноят ишлари бўйича электрон тартибда иш юритишнинг замонавий шакл ва усулларини кенг қўллаш орқали далилларни процессуал расмийлаштириш тизимини янада такомиллаштириш, бу борада тараққий топган мамлакатлар қонунчилигининг ижобий жиҳатларини миллий қонунчилигимизга имплементация қилиш муҳим аҳамият касб этади.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 10 августдаги «Суд-тергов фаолиятида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-6041-сон Фармони // <https://www.lex.uz/docs/4939467>.

² Ўзбекистон Республикаси жиноят ишлари бўйича судларнинг 2017–2020 йиллар ҳамда 2021 йил биринчи чорагидаги фаолият яқунлари бўйича асосий кўрсаткичлари // https://stat.sud.uz/file/2021/4-27/jib_2021_03.pdf.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 21 октябрдаги «Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-4850-сон, 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон, 2017 йил 30 ноябрдаги «Суд-тергов фаолиятида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатларини кучайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-5268-сон, 2020 йил 10 августдаги «Суд-тергов фаолиятида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-6041-сон фармонлари, 2020 йил 3 сентябрдаги «Суд ҳокимияти органлари фаолиятини рақамлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4818-сон қарори ҳамда соҳага доир бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ишни судга қадар юритишда далилларни тўплаш бўйича тергов ҳаракатларини ўтказиш ва уларни процессуал расмийлаштиришнинг айрим жиҳатлари мамлакатимиз олимлари Ғ.А.Абдумажидов, Б.А.Азизходжаев, Б.Т.Акрамходжаев, И.Р.Астанов, М.Д.Ботаев, З.Ф.Иноғомжонова, Ш.Х.Иномжонов, Д.Э.Каримова, Ш.А.Кулматов, Д.М.Миразов, Б.А.Миренский, Б.Б.Муродов, Б.А.Мўминов, Б.Х.Пулатов, М.А.Ражабова, Б.А.Ражабов, Б.Н.Рашидов, С.М.Рахманова, У.А.Тухташева, Г.З.Тўлаганова, Н.И.Хайриев ва Н.М.Қўшаевлар томонидан тадқиқ этилган.

Хорижий мамлакатларда ишни судга қадар юритишда далилларни расмийлаштириш масалалари А.Б.Алиев, В.С.Балакшин, А.В.Белоусов, А.Р.Белкин, Р.С.Белкин, Л.В.Березина, Е.А.Доля, Л.М.Карнеева, Д.Н.Кожухарик, Т.Г.Кудрявцева, В.А.Лазарева, П.А.Лупинская, Ё.Е.Подголин, В.А.Семенцов, М.С.Строгович, А.Ю.Терехов, А.И.Трусов, Ф.Н.Фаткулин ва С.А.Шейфер каби олимлар томонидан тадқиқ этилган³.

Бугунги кунда ишни судга қадар юритишда далилларни процессуал расмийлаштириш жараёнида юзага келаётган камчилик ва хатоларни бартараф этиш мақсадида ариза ва хабарларни расмийлаштириш шартлари ҳамда процессуал тартибини соддалаштириш, инновацион технологияларни кенг жорий этиш орқали далилларни процессуал расмийлаштириш ҳамда ягона ҳуқуқни қўллаш амалиётини шакллантириш мақсадида далилларни расмийлаштиришга доир процессуал ҳужжатлар намуналарини ишлаб чиқиш билан боғлиқ умумназарий ва амалий тусдаги масалалар махсус тадқиқ этилмаган.

³ Бу ва бошқа манбалар диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида келтирилган.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясининг 2018 – 2021 йилларга мўлжалланган илмий-тадқиқот ишлари режасининг «Ўзбекистон Республикасида жиноят-процессуал қонунчиликни либераллаштириш ва жиноят-процессуал қонунчиликдаги ўзгаришларни амалиётга жорий этиш масалалари» мавзuidaги илмий-тадқиқот лойиҳаси 73-банди доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади ишни судга қадар юритишда далилларни процессуал расмийлаштиришни такомиллаштиришга қаратилган таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқишдан иборатдир.

Тадқиқотнинг вазифалари:

жиноят процессида далилларни процессуал расмийлаштириш институтининг ривожланиш босқичларини таҳлил қилиш;

миллий қонун ҳужжатлари ҳамда ишни судга қадар юритиш амалиётини ўрганиш асосида далилларни процессуал расмийлаштиришнинг ижтимоий заруратини асослаш;

терговга қадар текширув жараёнида далилларни процессуал расмийлаштиришнинг бугунги ҳолатини ва бу борадаги мавжуд муаммоларни ўрганиш;

суриштирув ва дастлабки тергов жараёнида далилларни процессуал расмийлаштириш амалиётининг ўзига хос хусусиятларини таҳлил қилиш;

ишни судга қадар юритишда айрим тергов ҳаракатларини соддалаштирилган тартибда расмийлаштириш ҳамда қонуний тартибга солинишини такомиллаштиришга доир таклифлар ишлаб чиқиш;

айрим хорижий мамлакатлар жиноят-процессуал қонунчилигида далилларни процессуал расмийлаштиришнинг ўзига хос хусусиятларини ўрганиш;

инновацион технологияларни кенг жорий этиш ҳамда ягона амалиётни шакллантириш мақсадида далилларни расмийлаштиришга доир процессуал ҳужжатлар намуналарини ишлаб чиқиш;

ишни судга қадар юритишда далилларни процессуал расмийлаштиришга доир қонунчиликдаги бўшлиқларни бартараф этиш юзасидан асосланган таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объектини ишни судга қадар юритишда далилларни процессуал расмийлаштириш жараёнида вужудга келадиган ижтимоий-ҳуқуқий муносабатлар тизими ташкил этади.

Тадқиқотнинг предмети бўлиб ишни судга қадар юритишда далилларни расмийлаштириш жараёнида вужудга келадиган муносабатларни тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, уларни қўллаш амалиёти, хорижий мамлакатлар қонунчилиги ҳамда юридик фанда мавжуд концептуал ёндашувлар ва илмий-назарий қарашлар хизмат қилади.

Тадқиқотнинг усуллари. Илмий изланишни амалга оширишда билишнинг тарихийлик, мантиқийлик, қиёсий-ҳуқуқий, тизимли таҳлил, статистик усуллар, шунингдек социологик сўровлар ўтказиш, терговга қадар текширув ва жиноят иши материаллари ҳамда суд ҳукмларини таҳлилий ўрганиш усулларида кенг фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ўта оғир жиноятлар бўйича ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш, тинтув, кўрсатувларни ҳодиса содир бўлган жойда текшириш, тергов эксперименти, шахсни ушлаш, ҳимоячидан воз кечиш, шунингдек шахсни ушлаш жараёнида ўтказиладиган шахсий тинтув ва олиб қўйишни видеоёзув орқали қайд этилиши шарт бўлган процессуал ҳаракатлар сифатида қонунчиликда мустаҳкамлаш зарурати асосланган;

далиллар мақбуллигини таъминлаш мақсадида шахсни ушлаб туриш, шахсий тинтув ва олиб қўйиш баённомаларига процессуал ҳаракатларнинг видеоёзув орқали қайд этилганлигини ёзиб қўйиш ҳамда баённомаларга видеоёзув материалларини мажбурий тартибда илова қилиш амалиётини жорий этиш зарурати асосланган;

далилларни сохталаштириш (қалбакилаштириш) деганда, исботлашни амалга ошираётган ёки исботлашда иштирок этиш учун жалб қилинаётган шахслар томонидан ғаразли ёки бошқа паст ниятларда терговга қадар текширув ёки жиноят иши материаллари бўйича ҳужжатларга ёхуд ашёларга била туриб ёлғон маълумотларни киритишда ва бошқача тарзда бузиб кўрсатишда намоён бўлган ҳаракатлар тушунилиши лозимлиги асосланган;

мутахассис иштирокисиз олиб қўйилган ёки кўздан кечирилган рақамли (электрон) ташувчи жисмлардаги маълумотларнинг номақбул далиллар сифатида баҳоланиши лозимлиги асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари асосида «Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига (бундан буён ишда ЖПК деб юритилади) ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонун лойиҳаси ишлаб чиқилган:

ишни судга қадар юритишда тергов ҳаракатларини ўтказиш ва уларнинг натижаларини процессуал расмийлаштириш тартибини соддалаштириш, иш юритишнинг қонунийлиги ва шаффофлигини таъминлаш, ортиқча процессуал чиқимлар юзага келишига барҳам бериш, замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш ва моддий-техник базани янада мустаҳкамлаш мақсадида тергов ҳаракатларини видеоконференцалоқа режимида ўтказишда процесс иштирокчиларининг электрон имзоларидан фойдаланиш амалиётини йўлга қўйиш зарурлиги асосланган;

ягона ҳуқуқни қўллаш амалиётини шакллантириш мақсадида далилларни тўплаш, текшириш ва баҳолаш бўйича расмийлаштирилиши лозим бўлган процессуал ҳужжатларнинг намуналари ишлаб чиқилиб, уларни терговга қадар текширув органлари ва уларнинг мансабдор шахслари, суриштирувчи, терговчи ва прокурорлар фаолиятига татбиқ этиш зарурати асосланган;

тергов органларининг жиноятларни фош этиш борасидаги фаолиятини янги сифат босқичига олиб чиқиш, содир этилган ҳар бир жиноят учун жавобгарликнинг муқаррарлигига эришиш ҳамда шахс, жамият ва давлатга етказилган зарарнинг тўлиқ қопланишини таъминлаш мақсадида терговга қадар текширув давомида шахсларни сўровдан ўтказиш ҳамда уларнинг розилиги билан олинган ёзма тушунтиришларни расмийлаштиришнинг янги тартиби ишлаб чиқилиб, улардан жиноят-процессуал фаолиятда далил сифатида фойдаланиш зарурати асосланган;

жиноятларни тез ва тўла очиш, жиноят содир этган ҳар бир шахснинг айбини исботлаш, одил судловни амалга ошириш борасида тезкор-қидирув ва тергов органлари ҳамкорлигини янги сифат босқичига олиб чиқиш мақсадида тезкор-қидирув тадбирлари натижасида олинган маълумотларни процессуал ва тергов ҳаракатларини ўтказиш орқали расмийлаштириш механизмини жорий этиш ҳамда улардан жиноятларни тергов қилиш жараёнида далил сифатида фойдаланиш зарурати асослантирилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижалари халқаро ҳуқуқ ва миллий қонунчилик нормалари, уларни қўллаш амалиётидаги илғор тажрибалар, социологик (анкета сўрови, интервью олиш) тадқиқотлар, статистик маълумотлар таҳлили натижаларини умумлаштириш орқали асослантирилган. Хулоса, таклиф ва тавсиялар апробациядан ўтган, тадқиқот натижалари етакчи миллий ва хорижий нашрларда эълон қилинган. Олинган натижалар ваколатли органлар томонидан тасдиқланган ва амалиётга жорий этилган. Диссертацияда 553 нафар терговга қадар текширув, суриштирув ва тергов, 32 нафар прокуратура ва адвокатура ҳамда 186 нафар илмий-педагог ходимлар ўртасида ўтказилган сўров таҳлиллари, шунингдек 200 га яқин терговга қадар текширув материаллари, 200 дан ортиқ жиноят иши ва 150 га яқин суд ҳукмлари ўрганилиб, натижалар умумлаштирилган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Диссертация ишининг илмий аҳамияти ундаги илмий-назарий хулосалар ҳамда амалий таклиф ва тавсиялардан келгуси илмий фаолият, қонун ижодкорлиги, ҳуқуқни қўллаш амалиёти, жиноят-процессуал қонун ҳужжатларининг тегишли нормаларини шарҳлаш, миллий қонунчиликни такомиллаштириш, шунингдек «Терговга қадар текширув», «Жиноят-процессуал ҳуқуқи» ва «Дастлабки тергов» фанларини илмий-назарий жиҳатдан янада бойитишда намоён бўлади. Тадқиқот ишининг назарий жиҳатларига таяниш келгусида ишни судга қадар юритишда далилларни процессуал расмийлаштириш жараёнини ҳуқуқий тартибга солиш, жиноят процесси иштирокчиларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ янги илмий тадқиқотлар олиб бориш имконини беради.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, жиноят-процессуал қонун ҳужжатларини такомиллаштириш ҳамда ҳуқуқни қўллаш амалиётини ривожлантириш, шунингдек, исбот қилиш субъектларининг фаолиятини такомиллаштиришга бағишланган қонун ҳужжатлари лойиҳасини ишлаб чиқишга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ишни судга қадар юритишда далилларни процессуал расмийлаштиришни такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

ўта оғир жиноятлар бўйича ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш, тинтув, кўрсатувларни ҳодиса содир бўлган жойда текшириш, тергов эксперименти, шахсни ушлаш, ҳимоячидан воз кечиш, шунингдек шахсни ушлаш жараёнида ўтказиладиган шахсий тинтув ва олиб қўйишни видеоёзув орқали қайд этилиши шарт бўлган процессуал ҳаракатлар сифатида қонунчиликда мустаҳкамлашга доир таклифлардан Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил

14 майдаги «Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига жиноят процессида иштирок этувчи фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилишни кучайтиришга қаратилган ўзгартишлар ва қўшимча киритиш тўғрисида»ги ЎРҚ-617-сон қонунининг 1-моддаси 2-бандини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг 2021 йил 19 февралдаги 06/1-05/265-сон маълумотномаси). Мазкур таклифларнинг инобатга олиниши қонун талабларининг устуворлиги таъминланишига хизмат қилган;

далиллар мақбуллигини таъминлаш мақсадида шахсни ушлаб туриш, шахсий тинтув ва олиб қўйиш баённомаларига процессуал ҳаракатларнинг видеоёзув орқали қайд этилганлигини ёзиб қўйиш ҳамда баённомаларга видеоёзув материалларини мажбурий тартибда илова қилиш амалиётини жорий этишга доир таклифлардан Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 14 майдаги «Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига жиноят процессида иштирок этувчи фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилишни кучайтиришга қаратилган ўзгартишлар ва қўшимча киритиш тўғрисида»ги ЎРҚ-617-сон қонунининг 1-моддаси 4-бандини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг 2021 йил 19 февралдаги 06/1-05/265-сон маълумотномаси). Ушбу таклифларнинг инобатга олиниши жиноят процессида иштирок этувчи шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатлашни янада кучайтиришга хизмат қилган;

далилларни сохталаштириш (қалбакилаштириш) деганда, исботлашни амалга ошираётган ёки исботлашда иштирок этиш учун жалб қилинаётган шахслар томонидан ғаразли ёки бошқа паст ниятларда терговга қадар текширув ёки жиноят иши материаллари бўйича ҳужжатларга ёхуд ашёларга била туриб ёлғон маълумотларни киритишда ва бошқача тарзда бузиб кўрсатишда намоён бўлган ҳаракатлар тушунилиши лозимлигига доир тавсиядан Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2018 йил 24 августдаги «Далиллар мақбуллигига оид жиноят-процессуал қонуни нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида»ги 24-сон қарорининг 5-бандини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий судининг 2021 йил 6 сентябрдаги ПЛ-5620-сон маълумотномаси). Ушбу таклифнинг жорий этилиши далиллар мақбуллигига доир назарий билимларни янада бойитишга ва ушбу тушунчанинг ҳуқуқни қўллаш амалиётида бир хил талқин этилишига хизмат қилган;

мутахассис иштирокисиз олиб қўйилган ёки кўздан кечирилган рақамли (электрон) ташувчи жисмлардаги маълумотларнинг номақбул далиллар сифатида баҳоланиши лозимлигига доир таклифдан Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2018 йил 24 августдаги «Далиллар мақбуллигига оид жиноят-процессуал қонуни нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида»ги 24-сон қарорининг 9-банди «к» кичик бандининг тўртинчи хатбошисини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий судининг 2021 йил 6 сентябрдаги ПЛ-5620-сон маълумотномаси). Ушбу таклифнинг жорий этилиши далилларни процессуал расмийлаштириш амалиётида қонун талаблари бузилишининг олдини олишга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертация натижалари 5 та халқаро, 9 та республика миқёсидаги илмий-амалий конференцияларда апробациядан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 27 та илмий иш, жумладан тадқиқотнинг асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган миллий журналларда 5 та, халқаро журналларда 1 та ва илмий анжуманларда 14 та мақола чоп этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат бўлиб, ҳажми 156 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** (докторлик (PhD) диссертацияси аннотацияси) қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги, тадқиқ этилаётган муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети, усуллари, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижаси, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти, уларнинг жорий қилиниши, апробацияси, натижаларнинг эълон қилинганлиги, диссертациянинг ҳажми ва тузилиши ёритилган.

Диссертациянинг биринчи боби **«Ишни судга қадар юритишда далилларни процессуал расмийлаштиришнинг назарий-ҳуқуқий асослари»** деб номланган бўлиб, унда «далилларни процессуал расмийлаштириш» тушунчаси, унинг аҳамияти, ишни судга қадар юритишда далилларни процессуал расмийлаштириш институтига оид жиноят-процессуал қонунчилик нормаларининг ривожланиш тарихи ҳамда мазкур институтни такомиллаштиришнинг ижтимоий-ҳуқуқий зарурати таҳлил қилинган. Олимларнинг тадқиқот мавзусига оид баҳсли фикр-мулоҳазалари ҳақида тадқиқотчининг муносабати баён этилган.

Биринчи бобнинг биринчи параграфи *«Жиноят процессида далилларни процессуал расмийлаштириш институтининг ривожланиш босқичлари»* деб номланиб, унда тадқиқотчи томонидан Ўзбекистон Республикасининг жиноят-процессуал қонунчилиги ривожланишида ишни судга қадар юритиш шакллари, хусусан, далилларни процессуал расмийлаштириш институтини тартибга солувчи қонун нормаларининг вужудга келиши ва ривожланишининг ретроспектив таҳлили даврларга ажратилган ҳолда ўрганилган. Диссертант ҳар бир даврнинг ўзига хос жиҳатларини комплекс равишда таҳлил қилиб, далилларни процессуал расмийлаштириш институтининг тарихий ривожланиш хусусиятларини очиқ беришга ҳаракат қилган. Шу билан бирга, турли даврларнинг ижтимоий-маданий, ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданият даражаси ҳамда илмий тафаккур ривожининг хусусиятларига оид олимлар томонидан билдирилган илмий фикр ва қарашлар таҳлил қилинган.

1922 йилдаги РСФСР ЖПК, 1926, 1929 ва 1959 йиллардаги Ўзбекистон ССР ЖПКларининг ўзаро ва амалдаги ЖПКга қиёслаш асосида амалга оширилган таҳлиллардан келиб чиқиб, жиноят-процессуал ҳуқуқи тарихида далилларни процессуал расмийлаштириш ва унда тартибга солинган ҳуқуқий нормаларнинг дастлабки кўринишларининг тарихий ривожланиш босқичлари шартли равишда тўрт босқичга бўлинган:

биринчи босқич – эрамининг VII–VIII асрларига қадар бўлган даврни ўз ичига олиб, юртимиз ҳудудида қадимдан мавжуд давлатларда жиноят ва жазо тизими одат ҳуқуқи ҳамда зардуштийлик динининг асосий манбаси «Авесто» асосида тартибга солинган;

иккинчи босқич – VIII асрдан то XIX асрнинг охирига қадар бўлган даврни қамраб олиб, бу даврда юртимиз ҳудудидаги давлат тузилмаларида жиноят ва жазо тизими одат нормалари билан биргаликда, шариат қоидалари асосида тартибга солинган;

учинчи босқич – чор Россия босқинидан Ўзбекистон мустақилликка эришгунга қадар бўлган даврни ўз ичига олиб, бу даврда қозилик ва бийлик судларининг фаолиятига барҳам берилган, шунингдек, 1926, 1929 ва 1959 йилларда ишлаб чиқилган Ўзбекистон ССР ЖПКлари нормаларидан фойдаланилган;

тўртинчи босқич – Ўзбекистоннинг мустақиллик йилларини қамраб олиб, унда суд-тергов фаолиятида далилларни процессуал расмийлаштириш институтининг замон талаблари асосида такомиллаштириб борилиши акс эттирилган.

Биринчи бобнинг иккинчи параграфи *«Ишни судга қадар юритишда далилларни процессуал расмийлаштиришнинг ҳуқуқий асослари ва процессуал тартиби»* деб номланган. Унда тадқиқотчи томонидан далилларни процессуал расмийлаштириш тартибига қўйиладиган асосий талаблар ҳамда ишни юритишга масъул бўлган давлат органлар ва мансабдор шахслар томонидан қабул қилинадиган қарорлар ҳамда амалга ошириладиган процессуал ҳаракатлар ЖПКда белгилаб қўйилганлиги, лекин далилларни процессуал расмийлаштириш мазмунига оид қоидалар ўз ифодасини тўлиқ топмаганлиги камчилик сифатида қайд этилган.

Диссертантнинг фикрича, ишни судга қадар юритишда далилларни процессуал расмийлаштиришни такомиллаштиришда, авваламбор, унинг илмий-назарий асосларига, яъни «далилларни процессуал расмийлаштириш» тушунчасининг мазмуни ва аҳамиятига ойдинлик киритиш лозим. Ушбу масалада тадқиқотчи томонидан жиноят-процессуал назарияда мавжуд фикрларни чуқур тадқиқ этган ҳолда далилларни процессуал расмийлаштиришни тўлиқ қамраб оладиган илмий-назарий таъриф ишлаб чиқиш зарурлиги асослантилган.

Тадқиқотчи далилларни процессуал расмийлаштиришнинг мазмуни ҳақида кўпгина олимларнинг қарашларини келтирган ҳолда уларни қиёсий таҳлил қилган. Жумладан, Б.А.Азизходжаев, Л.А.Астанова, О.Я.Баев, А.А.Барыгина, А.Р.Белкин, И.Ф.Герасимов, Ю.К.Якимович, В.А.Лазарева, А.А.Аубакирова, В.С.Балакшин, Ш.Н.Бердияров, Я.В.Жданова, Б.А.Миренский, Г.З.Тўлаганова, И.Э.Хожаназаров, А.О.Бестаевларнинг далилларни процессуал расмийлаштириш ҳақидаги

фикрларини танқидий таҳлил қилган, А.В.Белоусов, Б.А.Ражабов, П.А.Лупинская, Н.Н.Лысов, Л.А.Татаровларнинг фикрларини қўллаб-қувватлаган.

Тадқиқотчи далилларни процессуал расмийлаштиришни ўзбек атамашунослиги, амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талаблари асосида жиноят-процессуал ҳуқуқ назариясида мазкур институтни янги мазмунда ифодалаш кераклигини таъкидлаб, далилларни процессуал расмийлаштириш мазмунига оид олимларнинг илмий қарашларининг қиёсий таҳлили асосида ҳамда улардаги мавжуд бўшлиқларни тўлдириш мақсадида «далилларни процессуал расмийлаштириш» тушунчасига муаллифлик таърифини таклиф қилган.

Тадқиқотчи томонидан бугунги кунда замонавий ахборот технологиялари жамиятимизнинг ҳар бир жабҳасига, хусусан, суд-тергов органлари фаолиятига ҳам кириб келаётганлиги, рақамли технологиялар ёрдамида тергов ва процессуал ҳаракатларнинг аудио, фото ва видеотасвирга қайд этилиши, шунингдек, рақамли маълумот ва ҳужжатлар айланмасининг кенг жорий этилаётганлигини инобатга олган ҳолда, уларни жиноят-процессуал қонун ҳужжатларида тўлиқ ақс эттириш зарурлиги асослантирилган.

Диссертант мазкур масалада Е.И.Галяшина, С.А.Короткий, Ю.Н.Миленин, Р.И.Оконенко, П.С.Пастухов, А.К.Расулев, Б.А.Ражабов ва бошқа олимларнинг жиноят-процессуал қонунчилигида далилларнинг янги тури (электрон далиллар) ёки янги далил манбаларининг (рақамли ахборот ташувчи) ифодаланишига оид илмий қарашларини эътиборга олиб, «электрон далил» тушунчасининг ўзига хос хусусиятларини келтиради ва ЖПКда «электрон жиноят иши», «электрон далил», «рақамли ахборот ташувчи», «электрон маълумот», «электрон ахборотдан нусха кўчириш» ва «электрон ҳужжат» каби атамаларга аниқлик киритилиши ҳамда мавжуд бўшлиқларнинг бартараф этилиши далилларни процессуал расмийлаштиришни такомиллаштиришга хизмат қилади деб ҳисоблайди.

Диссертациянинг **«Ишни судга қадар юритишда далилларни процессуал расмийлаштириш амалиёти»** номли иккинчи бобида тадқиқотчи терговга қадар текширув, суриштирув ва дастлабки тергов босқичларида далилларни процессуал расмийлаштиришнинг ўзига хослиги, шунингдек, далилларни процессуал расмийлаштириш амалиётининг бугунги ҳолати ўрганиб, атрофлича тадқиқ этишга ҳаракат қилган.

Иккинчи бобнинг биринчи параграфи *«Терговга қадар текширув жараёнида далилларни процессуал расмийлаштиришнинг ҳолати ва муаммолари»* деб номланиб, мазкур параграфда терговга қадар текширув жараёнида ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш, экспертиза тайинлаш, шахсни ушлаш жараёнида ўтказиладиган шахсий тинтув ва олиб қўйиш, тафтиш тайинлаш тергов ҳаракатларини ўтказиш, шунингдек, тушунтиришлар олиш, айбини бўйнига олиш тўғрисидаги арз, уларни расмийлаштириш, бу жараёнда шахс ҳуқуқларининг таъминланиши ва тўпланган бошқа ҳужжатларнинг далилий аҳамияти билан боғлиқ айрим муаммоли ҳолатлар ўрганилиб, уларнинг ечимига доир таклиф ҳамда тавсиялар ишлаб чиқилган.

Диссертант терговга қадар текширув жараёнида ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш бошқа тергов ҳаракатларига нисбатан кўп ўтказилиши, бу эса иш учун аҳамиятга эга бўлган дастлабки маълумотларни тўплаш ва натижаларни

процессуал расмийлаштириш билан бир қаторда содир этилган ҳодиса моделини гавдалантиришга ҳамда жиноятни тез ва тўла очишга имкон беришини алоҳида таъкидлайди. Шунингдек, ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечиришда аниқланган ҳолатлар ва топилган нарсалар жиноят-процессуал қонун талабларига риоя қилинган ҳолда расмийлаштирилгандан сўнг далилий кучга эга бўлиши, акс ҳолда жиноят излари ва шахсни жиноятни содир қилганлигини тасдиқловчи мавжуд далилларни ҳам йўққа чиқиши мумкинлиги асослантирилган. Суд-тергов амалиёти ходимлари ўртасида ўтказилган сўров натижаларига кўра, респондентларнинг 87 фоизи айнан ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш тергов ҳаракати натижаси ишнинг келгуси тақдирига таъсир ўтказиши ва ушбу тергов ҳаракати натижасида олинган маълумотлар муҳим аҳамият касб этишини таъкидлаган. Бу борада А.И.Бастрыкин, А.А.Давыдов, А.И.Дворкин, Д.Кенжабоев, И.Ф.Крылов, А.Матмуродов, В.А.Марков, Ю.Н.Миленин, Д.М.Миразов, Б.Б.Муродов, Т.П.Родичева каби олимларнинг илмий қарашлари таҳлил қилиниб, хорижий давлатларнинг ижобий тажрибасини инобатга олган ҳолда, ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш ҳамда бошқа тергов ҳаракатлари жараёни ва натижаларини расмийлаштиришга замонавий ахборот технологияларини кенг жалб этиш зарурлиги келтириб ўтилган.

Терговга қадар текширув материалларини ўрганиш натижаларига кўра, экспертиза тайинлаш ва шахсларнинг экспертиза ўтишдан бош тортиш ҳолатлари, шунингдек, экспертиза тайинлаш тўғрисидаги қарорни эълон қилиш, экспертиза хулосаларини таништириш билан боғлиқ процессуал ҳаракатларни расмийлаштиришда айрим хато ва камчиликларга йўл қўйилаётганлиги кузатилган. Жумладан, амалиётни ўрганиш давомида жиноят натижасида тан жароҳати олган шахсларнинг экспертиза ўтишдан бош тортиш ҳолатлари далолатнома орқали расмийлаштириб келинаётганлиги намоён бўлган. ЖПКнинг 173-моддаси талабларида эса ҳар бир ҳолат юзасидан экспертиза ўтказилиши шартлиги белгилаб қўйилган.

Бундан ташқари, диссертант томонидан терговга қадар текширув жараёнида манфаатдор шахсларнинг, хусусан, жиноят содир этган шахснинг экспертиза тайинлаш ва ўтказишдаги ҳуқуқлари қонунчиликдаги мавжуд бўшлиқлар сабабли тўлиқ таъминланмаётганлиги кўрсатиб ўтилган. ЖПКнинг 179-моддаси талабларига кўра, «Гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи экспертиза ўтказилгунга қадар экспертиза тайинлаш тўғрисидаги қарор ёки ажрим билан танишиб чиқиши ва ўзига берилган ҳуқуқлар тушунтирилишини талаб қилиши, бу ҳақда баённома тузилиши» белгиланган бўлса-да, жиноят иши қўзғатилгунга қадар жиноят содир этган шахснинг процессуал мақоми жиноят-процессуал қонунида белгиланмаганлиги сабабли шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларининг чекланишига сабаб бўлаётганлиги ёритилган. Мазкур омилларни инобатга олиб, В.К.Ашуров, М.Д.Ботаев, А.В.Белоусов, Л.М.Володина, Е.А.Зайцева, Ш.Х.Иномжонов, А.М.Королев, М.В.Махмутов, Ю.К.Орлов, О.В.Сидоренко, Д.П.Чипура ва бошқа олимларнинг илмий қарашларини қўллаб-қувватлаган ҳолда тадқиқотчи томонидан қонундаги бўшлиқларни бартараф этиш ва жиноят процессининг ҳар қандай босқичида ҳам шахс ҳуқуқлари таъминланишига эришиш юзасидан асослантирилган таклифлар ишлаб чиқилган.

Шу билан бирга, диссертант терговга қадар текширувни амалга оширишда ваколатли органларнинг иш учун зарур бўлган материалларни талаб қилиши ёки шахслардан тушунтиришлар олишига доир процессуал тартиб ЖПКда тўлиқ ифодасини топмаганлигини эътироф этган. Тадқиқотчи айнан мазкур масалада А.Асамутдинов, В.С.Балакшин, Л.В.Березина, В.Л.Будников, Ж.Камалходжаев, Д.Н.Кожухарик, Т.Г.Кудрявцева, П.А.Лупинская, О.Я.Мамедов, Б.А.Миренский, Б.А.Ражабов, В.Т.Томин, Ю.К.Якимович каби олимлар билан илмий мунозарага киришиб, уларнинг фикрларини таҳлил қилган. Хусусан, терговга қадар текширув жараёнида маълумотларнинг аксарияти айнан тушунтириш хати шаклида олиниши, шунингдек тушунтириш бераётган шахснинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари процессуал қонунчиликда белгиланмаганлигини эътироф этган. Суд-тергов амалиёти ходимлари ўртасида ўтказилган сўров жараёнида респондентларнинг 86 фоизи томонидан мазкур фикрлар тасдиқланиб, шахсларни сўровдан ўтказиш ва улардан ёзма тушунтиришлар олишнинг процессуал тартибини белгилаш келгусида иш бўйича ҳақиқатни аниқлаш ва терговга қадар текширув жараёнида йўл қўйилаётган камчиликларни бартараф этишга хизмат қилиши кўрсатиб ўтилган. Бу борада тергов амалиёти ва ваколатли мансабдор шахсларнинг фикрларини ўрганиб, олимларнинг илмий қарашларини таҳлил қилган ҳолда, терговга қадар текширув жараёнида жиноят ишини кўзғатиш ёки кўзғатишни рад этиш ёхуд тегишлилиги бўйича юбориш каби муҳим масалалар айнан иш учун аҳамиятли бўлган сўров ва ёзма тушунтиришлар асосида ҳал этилишини эътиборга олиб, «тушунтириш талаб қилиб олиш» тушунчасига муаллифлик таърифи ишлаб чиқилган, шунингдек, шахсларни сўровдан ўтказиш ва улардан ёзма тушунтиришлар олишнинг процессуал тартибига доир тақлифлар ишлаб чиқилган.

Маълумки, терговга қадар текширув жараёнида жиноятдан жабр кўрган ёки жиноят содир этишда гумон қилинган шахслар иш учун аҳамиятли бўлган нарса ва ҳужжатларни тақдим этишлари мумкин. Ваколатли мансабдор шахс уларни кўздан кечириши ва ўрнатилган тартибда расмийлаштириши зарур. Терговга қадар текширув жараёнида масъул органларга тақдим қилинган нарса ва ҳужжатларни кўздан кечиришнинг процессуал тартиби ЖПКда ўз ифодасини топмаган. Суд-тергов амалиёти ходимлари ўртасида ўтказилган сўров натижаларининг таҳлили ҳам мазкур муаммо амалиётда кўплаб тушунмовчиликлар юзага келишига сабаб бўлаётганлигини тасдиқлаган. Юқоридаги омиллар асосида тадқиқотчи томонидан статистик маълумотлар ўрганилган ва мазкур масалада тадқиқот олиб борган олимлар, хусусан, Л.В.Березина, М.Д.Ботаев, В.А.Камышин, Ш.А.Кулматов, Н.М.Қўшаев, В.А.Лазарева, А.П.Рыжаков, Н.В.Сибилева, А.А.Тарасова, С.А.Тумашов, Ш.Ф.Файзиев, В.И.Федоров, А.С.Шаталов, Ю.А.Шевченколарнинг илмий қарашларини танқидий таҳлил қилган ҳолда ЖПКга терговга қадар текширув жараёнида тақдим этилган нарса ва ҳужжатларни кўздан кечириш мумкинлигига оид қонундан киритиш зарурлиги асослантирилган.

Иккинчи бобнинг иккинчи параграфи «*Суриштирув ва дастлабки тергов жараёнида далилларни процессуал расмийлаштиришининг хусусиятлари*» деб номланиб, унда суриштирувчи ва терговчилар томонидан ўтказиладиган процессуал ҳаракатларни расмийлаштиришнинг ўзига хос жиҳатлари билан боғлиқ айрим муаммоли ҳолатларни атрофлича таҳлил қилишга ҳаракат қилган.

Диссертантнинг қайд этишича, ҳозирда суриштирув ва дастлабки тергов босқичида юритиладиган процессуал ҳужжатлар 200 дан ортиқ бўлса-да, бироқ мазкур ҳужжатлар тергов органлари томонидан турли хил шаклларда расмийлаштирилмоқда. Қолаверса, ЖПКда ҳам жиноят иши доирасида тузиладиган процессуал ҳужжатларнинг мазмунига қўйиладиган ягона талаб мавжуд эмаслиги эътироф этилган. Тадқиқотчи тергов амалиёти ходимлари ўртасида ўтказилган сўровда иштирок этган респондентларнинг 72 фоизи томонидан тергов органлари учун ягона шаклдаги процессуал ҳужжатлар намуналарига эҳтиёжнинг мавжудлиги кўрсатиб ўтилганлигини алоҳида қайд этади.

Инновацион технологиялар ривожланаётган ҳозирги шароитда фуқаролар томонидан жиноят аломатлари акс этган ҳолатларни фото ва видеотасвирга тушириш ёхуд турли техника воситалари ёрдамида овозларни ёзиб олиб, Интернет тармоғига жойлаштириш ҳолатлари кескин ортиб бормоқда. Бу борада тадқиқотчи томонидан 100 дан ортиқ жиноят ишлари материаллари ўрганилган ва тадқиқот ишида Интернет тармоғига жойлаштирилган бу турдаги материалларни олиш, кўздан кечириш ва белгиланган тартибда процессуал расмийлаштириш жараёни батафсил ёритилган.

Юртимизда суд-тергов соҳасида олиб борилаётган кенг қўламли ислохотлар натижасида тергов бўлинмалари процессуал ҳаракатларни замонавий аудио ва видеоёзув орқали қайд этиш воситалари билан босқичма-босқич таъминланаётганлиги кўрсатиб ўтилган. Шу асосда илғор хорижий тажрибани ўрганган ҳолда жиноят процесси иштирокчиларининг ортиқча оворагарчилигига йўл қўймаслик, иш юритишни соддалаштирилган тартибда амалга оширишга эришиш мақсадида тадқиқотчи томонидан жиноят ишларини тергов қилишда замонавий ахборот технологияларидан кенг фойдаланиш замон талабига айланаётганлиги таҳлил қилинган. Айнан жиноят-процессуал қонун талабларига мувофиқ, сўроқ жараёнида баённома юритиш билан бир қаторда овозни ёзиб олиш ва видеоёзувга олиш ҳам мумкин. Эътиборли томони шундаки, гарчи барча талабларга жавоб берувчи техник воситалар қўлланилсада, суриштирувчи ёки терговчи сўроқ баённомасига шахснинг кўрсатувларини сўзма-сўз ёзиб бориши талаб этилади. Бу эса суриштирувчи ва терговчи эътиборининг чалғишига, фикрини бўлишга, тергов ҳаракати самарадорлигининг пасайишига, процесс иштирокчиларининг тергов органларида ортиқча вақт сарфлашига олиб келади.

Тадқиқот доирасида ички ишлар органларининг тергов органлари юритувидаги жиноят ишларини ўрганиш натижаларига кўра, бир жиноят иши доирасида айрим процесс иштирокчилари нафақат бир ёки икки кун, балки ҳафталаб сўроқ қилинганлиги ҳолатлари маълум бўлган. Бу каби камчиликларни бартараф этиш юзасидан хорижий мамлакатларнинг илғор тажрибасидан келиб чиққан ҳолда тадқиқотчи томонидан суриштирув ва дастлабки тергов давомида сўроқ қилиш тергов ҳаракатини ўтказиш жараёни ҳамда натижаларини расмийлаштиришнинг соддалаштирилган тартибини жорий этиш таклифи илгари сурилган. Хусусан, иш юритишни амалга оширувчи мансабдор шахс томонидан сўроқ қилиш баённомаси кириш қисмининг тегишли реквизитлари киритилиб, сўроқ қилинувчининг эркин сўзлаб бериши ва савол-жавоблар жараёнини

баённомада акс эттирмасдан, фақат видеоёзув воситалари ёрдамида қайд этилиши, тасвирга туширилган видеоёзув рақамли ташувчи баённомага илова қилиниши зарурлиги таклиф этилган. Мазкур таклиф социологик сўровда иштирок этган суд-тергов органлари ходимларининг 91 фоизи томонидан «ижобий» баҳоланган ҳамда ушбу таклифнинг амалга киритилиши келгусида тергов органлари фаолиятидаги қийинчиликларга барҳам бериши, сўроқ жараёнида сўроқ қилинувчига нисбатан ноқонуний хатти-ҳаракатлар амалга оширилмаслиги, ҳимоя ҳуқуқи тўлиқ таъминланиши, ортиқча вақт сарфланмаслиги, энг асосийси сўроқ қилинувчининг кўрсатувлари тўлиқ акс этишига эришилиши таъкидланган.

Тадқиқотчи томонидан тезкор-қидирув тадбирлари натижасида олинган маълумотларни процессуал ҳаракатларни ўтказиш орқали далил сифатида расмийлаштириб, улардан жинойт ишларини тергов қилиш жараёнида унумли фойдаланиш борасида жинойт процесси назариясида бугунги кунга қадар ягона тўхтам шаклланмаганлигини алоҳида таъкидлаб ўтилган. Жумладан, бу борада тадқиқот олиб борган Е.А.Доля, М.Ф.Исаков, М.П.Котухов, П.А.Лупинская, Н.А.Попова, С.М.Рахмонова, С.А.Шейферларнинг илмий қарашлари таҳлил қилинган ва илғор хорижий тажрибалар ўрганилган. Бугунги глобал шароитда терроризм, диний экстремизм, трансчегаравий хусусиятга эга бўлган наркотрафик ва бошқа трансмиллий жинойтчиликка қарши курашишда жинойт-процессуал ҳамда тезкор-қидирув фаолиятининг куч ва воситаларидан фойдаланган ҳолда далиллар тўплашнинг мустаҳкам тизимини яратиш зарурлиги асослаб берилган.

Хусусан, ЖПКнинг 39¹-моддасида «Терговга қадар текширувни амалга оширувчи органлар зиммасига жинойт аломатларини ва жинойт содир этган шахсларни топиш, ЖПКнинг қоидаларига мувофиқ текшириб чиқилиб, баҳолангандан сўнг жинойт иши юзасидан далил тарикасида фойдаланиш мумкин бўлган маълумотларни аниқлаш мақсадида илмий-техника воситаларидан фойдаланган ҳолда зарур чоралар кўриш вазифаси юклатилади. Тезкор-қидирув фаолиятини ўтказиш тартиби қонун билан белгиланади» - деб кўрсатилган. ЖПКнинг 81-моддасида эса «Агар тезкор-қидирув тадбирларининг натижалари фақат қонун талабларига мувофиқ олинган бўлса, ушбу Кодекс нормаларига мувофиқ текширилган ва баҳоланганидан кейин ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимларининг ёки тезкор-қидирув тадбирида иштирок этган бошқа шахсларнинг ҳаракатларига боғлиқ бўлмаган ҳолда шахсда жинойт содир этиш учун шаклланган қасд мавжуд бўлганлигидан далолат берса, ушбу натижалар далил сифатида тан олинishi мумкин», - деб белгиланган.

Эътиборли жиҳати, амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда юқоридаги умумий қоидалардан ташқари аниқ қоидалар келтирилмаган. Айнан ушбу масала суд-тергов амалиёти ходимлари ўртасида ўтказилган сўровда иштирок этган респондентларнинг 55 фоизи томонидан ҳам таъкидлаб ўтилган. Яъни ЖПКда тезкор-қидирув тадбирлари натижасида олинган маълумотлардан далил сифатида фойдаланиш билан боғлиқ тартиб-қоидалар тўлиқ белгиланмаганлиги эътироф этилган. Шундан келиб чиқиб, тадқиқотчи томонидан тезкор-қидирув тадбирлари натижасида олинган ҳар бир маълумот ЖПК талаблари асосида текширилиб баҳолангандан сўнг, ундан жинойт иши бўйича далил сифатида фойдаланишнинг самарали механизмини ишлаб чиқиш тавсия этилган.

Диссертациянинг учинчи боби «Ишни судга қадар юритишда далилларни процессуал расмийлаштиришни такомиллаштириш» деб номланиб, унда далилларни расмийлаштириш билан боғлиқ айрим хорижий давлатлар тажрибаси ўрганилиб, мазкур институтни такомиллаштиришга қаратилган таклиф ва тавсиялар келтирилган.

Учинчи бобнинг биринчи параграфи «Айрим хорижий давлатларнинг далилларни процессуал расмийлаштириш билан боғлиқ тажрибаси» деб номланиб, унда далилларни расмийлаштириш билан боғлиқ айрим хорижий давлатлар тажрибасининг илғор ютуқларини миллий қонунчилигимизга имплементация қилиш масаласи илгари сурилган.

Тадқиқотчи Россия Федерацияси, Беларусь Республикаси, Арманистон Республикаси, Молдова Республикаси, Озарбайжон Республикаси, Қозоғистон Республикаси, Қирғизистон Республикаси, Туркменистон Республикаси, Тожикистон Республикаси сингари МДҲ давлатлари, шунингдек, Америка Қўшма Штатлари, Албания Республикаси, Германия Федератив Республикаси, Франция Республикаси ва Норвегия Қироллиги каби давлатларнинг жиноят-процессуал қонунчилигининг далилларни тўплаш ва расмийлаштириш билан боғлиқ қоидаларини чуқур таҳлил қилиб, халқаро тажриба асосида далилларни процессуал расмийлаштириш институтини янада такомиллаштириш зарурлигини таъкидлайди.

Учинчи бобнинг иккинчи параграфи «Далилларни процессуал расмийлаштиришнинг тартибини такомиллаштириш» деб номланиб, унда диссертант томонидан ишни судга қадар юритишда далилларни процессуал расмийлаштириш тартибини такомиллаштиришга оид таклифлар ишлаб чиқилган. Тадқиқотчи жиноят ишларини юритиш ва одил судловни такомиллаштиришнинг дастлабки қадамларидан бири – бу қоғоз шаклидаги процессуал ҳужжатлардан босқичма-босқич воз кечиб, янги замонавий жиноят ишининг электрон шаклидан муқобил тарзда фойдаланишни таклиф қилган. Бу борада жиноят иши материалларини рақамли ахборот сифатида сақлашга мўлжалланган ва қоғоз шаклидаги жиноят иши ўрнини босувчи ҳамда далилларни тўплашга хизмат қилувчи тизим яратиш зарурати асосланган. Хусусан, жиноят ишини кўзғатишдан то ҳукмнинг ижрога қаратилгунга қадар амалга оширилиши лозим бўлган ҳаракатлар алгоритмининг ўз ичига олган алоҳида процессуал ҳужжатларнинг шакл ва шаблонларини (масалан, сўроқ қилиш ёки таниб олиш учун кўрсатиш баённомаси ҳужжатнинг тегишли қисм ва бўлимларини маълумотлар билан тўлдириш), мазкур ҳужжатлар асосида олинган далилларнинг барчаси, жумладан фотосуратлар, видео ва овоз ёзувлари, шунингдек, бошқа файл ва дастурий таъминот маҳсулотларининг маълумотларини электрон шаклда кўшиш имконини берадиган, пировардида жиноят ишини ташкил этадиган дастур бўлиши юзасидан таклифлар баён этилган.

Тадқиқотда тергов органлари фаолиятини рақамлаштириш зарурлиги илмий жиҳатдан асосланган. Диссертант буни терговнинг очик ва шаффоф ўтишини таъминлаш, иш учун зарур бўлган маълумотларни тезкорлик билан олиш ҳамда электрон маълумотлар алмашинувининг самарадорлигини ошириш билан изоҳлаган. Диссертацияда процесс иштирокчиларининг масофадан туриб электрон муурожаат қилиши, даъво келтириши, илтимоснома киритиши, ишнинг ҳолати

юзасидан жабрланувчи, гумон қилинувчи ва айбланувчининг яқин қариндошлари хабардор бўлиб бориши, терговчи томонидан қўлланилган тегишли қарорлар билан ўз вақтида танишиши (процессуал мажбурлов чоралари, жиноят ишининг якунланганлиги, судга ҳал этиш учун юборганлиги ва ҳ.к.), айрим процессуал ҳаракатларнинг видеоконференцалоқа тизими орқали ўтказилиши, давлат идораларининг тегишли органлари ва соҳавий хизматлар ўртасида электрон маълумотлар алмашинувининг йўлга қўйилиши, шунингдек идоравий ва прокурор назоратини амалга ошириш учун электрон жиноят иши билан танишиб бориш имкониятини кенгайтириш борасида И.М.Беляева, Т.Ю.Вилкова, А.М.Долгов, С.В.Зуев, С.М.Иманбаев, П.П.Ищенко, Р.Ш.Каримсаков, О.В.Овчинникова, Ю.Н.Познанский, Д.К.Тлеубаев, Л.Г.Халиуллина каби олимларнинг асосли фикрларини қўллаб-қувватлаган ҳолда таклиф ҳамда тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот давомида видеоконференцалоқа режимида ўтказилган тергов ҳаракати жараёни ва натижаларини расмийлаштириш билан боғлиқ амалиётнинг бугунги ҳолати далиллар мақбуллиги қоидаларига етарли даражада жавоб бермаслиги кўрсатиб ўтилган. Хусусан, ЖПКда видеоконференцалоқа режимида ўтказилган тергов ҳаракати жараёни ва натижалари фақат жиноят ишини юритиш учун масъул бўлган мансабдор шахслар томонидан эмас, баъзи ҳолларда уларнинг топшириғини бажарувчи мансабдор шахс томонидан расмийлаштирилиши ҳамда расмийлаштирилган баённома ишни юритиш учун масъул бўлган мансабдор шахсларга юборилиши кўрсатиб ўтилган. Бу эса далиллар мақбулликига, жумладан далилни олишда тергов ва суд ҳаракати жараёни ва натижаларининг қайд этилишига доир қонуннинг барча талабларига амал қилинган бўлиши шартлигига оид жиноят-процессуал нормаларига зид эканлиги таъкидланган. Бугунги кунда ички ишлар органларининг йўл-ҳаракати хавфсизлиги ҳамда миграция ва фуқароликни расмийлаштириш хизматлари фаолиятида «рақамли имзо панели», «бармоқ излари сканери» каби технологияларни кенг қўллаш натижасида тўпланган ижобий тажрибани инобатга олиб, уларни тергов органлари фаолиятига ҳам татбиқ этиш зарурати асослантилган. Мазкур таклифнинг амалда ўз ифодасини топиши видеоконференцалоқа режимида ўтказилган тергов ҳаракати жараёни ва натижаларини ягона баённома орқали расмийлаштириш ҳамда тергов ҳаракати иштирокчилари томонидан «рақамли имзо панели», «бармоқ излари сканери» ёки «электрон имзо»дан фойдаланган ҳолда баённома билан танишиб, уни имзолаши (тасдиқлаши) имкони юзага келишига хизмат қилиши асослаб берилган.

Диссертант томонидан телефон ва бошқа телекоммуникация қурилмалари орқали олиб бориладиган сўзлашувларни эшитиб туриш, улар орқали узатиладиган ахборотни баённомада расмийлаштириш билан боғлиқ муаммолар таҳлил қилиниб, уларни бартараф этиш юзасидан тегишли таклифлар илгари сурилган.

Суд-тергов амалиёти таҳлили натижасида жиноят ишини юритиш жараёнида процессуал ҳаражатларни камайтириш, фуқароларнинг тергов ва суд органларида ортиқча овора бўлишларига чек қўйиш, процесс иштирокчиларининг ҳуқуқ ва эркинликларини тўлиқ таъминлашга эришиш мақсадида жиноятга оид аризалар, хабарлар ва бошқа маълумотларни соддалаштирилган тартибда расмийлаштириш қоидаларини жорий қилиш зарурати асослантилган.

